

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖОРИЙ ЙИЛ 13-14 ИЮНЬ КУНЛАРИ БИШКЕК ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ҲАМДА 15 ИЮНЬ КУНИ ДУШАНБЕ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ.



НУҚУҚ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2019-y. 13-ИЮН, №24 (1169)

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН КОНУНЧИЛИККА ЗИД РАВИШДА ТЎЛОВ УНДИРИЛИБ КЕЛИНАЁТГАНИ АНИҚЛАНДИ. 2

ПРОКУРОР ТОМОНИДАН МИНГ НАФАРГА ЯҚИН ИСТЕЪМОЛЧИННИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ. 3

ВОСИТАЧИ ТАДБИРКОРДАН 70 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ ТАЛАБ ҚИЛДИ. 8

ИККИ МИНГГА ЯҚИН БОЛА ОТА МЕХРУ ЭЪТИБОРИДАН БЕБАҲРА ҚОЛАЁТГАНИ АЧИНАРЛИ ҲОЛ. 10



ҚАРС УЧ ҚЎЛДАН

БОЛА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ҲАР ДОИМ БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛИБ КЕЛГАН. УНГА ОИЛА КЎПРОҚ МАСЪУЛМИ ЁКИ МАКТАБ?

6-бетда

САВДОГА ҚЎЙИЛГАН МУЛК КИМНИКИ?

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ШИФОКОР, ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА МУДИРИ НЕГА ТОМОРҚА САВДОСИГА АРАЛАШИБ ЮРИБДИ?.. 3-бетда

МИЛЛИОН ПЕНСИЯ УЧУН БИР «ЛИМОН»

НАФСИГА ИЛИНГАН БОШЛИҚ ЎРИНБОСАРИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ. 8-бетда

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ОММАВИЙ ЗАҲАРЛАНИШ



Жорий йилнинг 4-7 июнь кунлари Тошкент шаҳрида 49 нафар фуқаро «овқатдан токсикоинфекция» ташҳиси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти, 2 ва 5-сонли юқумли касалликлар шифохоналарига ётқизилган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган текширувда, ушбу фуқаролар шифохонага мурожаат қилишдан аввал Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, Сергели тумани, Янги Кўйлик кўчаси, 76-уй ҳамда Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 21-уйда жойлашган «Оқтепа лаваш» ("Grand Azia Plus" МЧЖ) умумий овқатланиш тармоғининг учта шохобчасида тез тайёрланувчи таомларни ("сендвич", "лаваш" ва "пицца") истеъмол қилганликлари аниқланган.

Ҳуршида РАҲМАНОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдამчиси

Ушбу ҳолат юзасидан 2019 йил 7 июнь куни Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси 4-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозирда жиноят иши бўйича Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Шухрат ҲАКИМОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бошлиғи

БЎЛАЖАК ПРОКУРОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокуратура Академияси ходимларининг Бўлажак прокурорлар клуби аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, шунингдек Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўртасида имзоланган Меморандум доирасида асос солинган Бўлажак прокурорлар клуби мазкур олий ўқув юртлири талабаларига ўқиш даври мобайнида прокуратура органларида амалиёт ўташ имкониятини яратиб беради. Ҳозирги кунда клуб аъзоларини 266 нафар талаба ташкил этади.

Учрашув давомида Бўлажак прокурорлар клуби аъзолари Бош прокуратура Академияси магистрату-

расига қабул тартиби ҳақида хабардор этилди.

Академия магистратурасига абитуриентларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошланади ҳамда тенг ҳуқуқлилик, қабул ва танловнинг ягона қоидалари асосида амалга оширилади. Магистратурага танлов "юриспруденция" таълим йўналиши бўйича олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасида ўтказилади. Шунингдек, прокуратура органларида камидан 5 йиллик иш стажига ва бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлган амалдаги прокуратура органлари ходимлари танловда иштирок этиши мумкин.

Академия магистратурасига "прокурорлик фаолияти", "тергов фаолияти" ва "коррупцияга қарши курашиш" мутахассисликлари бўйича 2019/2020 ўқув йилига жами 30 та, шу жумладан, 18 та давлат гранти ва 12 та тўлов контракт асосида қабул квоталари тасдиқланган.

Кириш имтиҳонлари мутахассислик фанлари ва чет тилидан тест синови, шунингдек, ёзма имтиҳон

Бобир АБДУЛЛАЕВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

шаклида ўтказилади.

Бош прокуратура Академиясида магистратура мутахассислик бўйича таълим жараёни илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида жорий этилган ўқитишнинг самарали замонавий педагогик таълим технологияларини қўллаган тарзда амалга оширилади.

Бугунга қадар Бош прокуратура Академияси дунёнинг 30 га яқин етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган бўлиб, ўқув жараёнига Академия профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда нуфузли хорижий таълим муассасаларидан эксперт ва профессор-ўқитувчилар жалб қилинади.

Бош прокуратура Академияси магистратурасига абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари Академия веб-сайтида (proacademy.uz) ҳамда оммавий ахборот воситалар орқали эълон қилинади.

FAOLLIYAT

ҲАРБИЙЛАР ИМТИЁЗДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНМОҚДА?

Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан назорат ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилувчи ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларга лозим даражадаги хизмат ва яшаш шaroитлари яратиш юзасидан ҳарбий қисмлар кўмондонликлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ҳарбий прокуратура томонидан назорат ҳудудидаги ҳарбий қисмларга қарашли ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларда яшовчи ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг яшаш шарт-шaroитлари доимий равишда, уйма-уй юрган ҳолда ўрганиб борилмоқда. Урганишлар давомида тушган мурожаатлар таҳлил қилиниб, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан Жарқўрғон ва Сарийосиб туманларида жойлашган ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларда яшовчи ҳарбий хизматчилар истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳақ тўлаши

аҳволи ўрганилди. Хонадонларда электр плиталар ўрнатилган бўлишига қарамаздан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан бир неча йиллардан буён Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига зид равишда истеъмол қилинган электр энергияси учун 100 фоиз миқдорда тўлов ундирилиб келинаётгани аниқланди.

Термиз ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ҳарбий қисмлар кўмондонликлари ва электр тармоқлари қорхонаси билан ҳамкорликда хонадонлар электр ҳисоблагичлари давлат қиёслов кўригидан ўтказилди, ҳисоб рақамлари тузилди, мавжуд қарздорликлар бартараф этилиши, улар компьютер базасига ки-

Шукуржон ТОШМАТОВ,

Термиз ҳарбий прокурори

имтиёзли тўловга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Шеробод гарнизонидаги ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг уй-жой учун ижара пули олиш аҳволи ўрганилганда, айрим ҳарбий хизматчилар компенсация пулини уй-жой эгалари билан ижара шартномалари тузмагани сабабли олмаздан келаётгани аниқланди. Термиз ҳарбий прокуратураси ва ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан маҳаллий аҳоли билан тушунтириш ишлари ўтказилиши натижасида улар уй-жойларига кадастр ҳужжатлари тайёрлашига ва 32 нафар ҳарбий хизматчилар билан ижара шартномалари тузилишига эришилди. Ҳозирда 32 нафар ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисм молия хизмати томонидан уй-жойни ижарага олганлик учун компенсация тўланмоқда.

Шунингдек, ҳарбий қисмлар кўмондонликлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда гимнастика, фитнес, шахмат-шашка, бокс ва бошқа спорт тўғрисидаги ташкил этилди.

Ижара шартномалари тузилмаганлиги сабаб айрим ҳарбий хизматчилар компенсация пули олмаган.

ритилиши таъминланди. Эндиликда шаҳарчалардаги ҳарбий хизматчилар истеъмол қилинадиган электр энергияси ҳақининг 50 фоизи миқдорда ҳақ тўлашга ўтказилди.

Шунингдек, Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан Шеробод туманида жойлашган ҳарбий шаҳарчадаги 112 та хонадонда истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини

Сайёр қабулдаги
мурожаат асосида 338,2
млн. сўм қарздорлик
тўлиқ ундириб берилди.

Сайёр қабул жараёнида қабул қилинган мурожаатларнинг 66 таси Бюро фаолиятига тегишли бўлмагани сабабли бошқа ташкилотларга юборилган, 282 таси қаноатлангирининг, 279 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, шунингдек, 18 нафар фуқаро Бюро томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан миннатдорчилик хатлари беришган.

Сайёр қабул давомида "Gunwoo" қўшма корхонасининг вакили И.Горбатовнинг суд қарорига асосан қарздор "Навоийдавсувмахсуспудрат" ДУКдан қарздорлигини ундириб беришни сўраб қилган мурожаатини ўрганиш натижасига қўра, 338,2 миллион сўм қарздорлик тўлиқ ундириб берилиши таъминланди. Шунингдек, "Сапарли қурилиш" МЧЖнинг қонуний вакили М.Нажимовнинг суд қарорига асосан "Юлдўз" АЖдан 141,9 миллион сўм ва "Халқобод" ПТК АЖдан 667,7 миллион сўм қарздорликларини ундиришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатини ўрганиш жараёнида "Юлдўз" АЖдан қарздорлик тўлиқ ундирилган бўлса, "Халқобод" ПТК АЖдан 198,1 миллион сўм қарздорлик ундирилди ва 255,7 миллион сўмлик мол-мулкларни хатланди.

Ёки фуқаролар Алланиязов ва Шариповнинг суд қарорига асосан қарздор "Қоникўл МТП"дан иш ҳақларини ундириб беришни сўраб қилган мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларига қўра, уларнинг 8,8 миллион сўм иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилган.

Бундан ташқари, 8 нафар фуқаронинг алимент ундириб беришни сўраб қилган мурожаатлари юзасидан ўтказилган қўра ва профилатик суҳбат натижасида тарафлар ярашиб, оилани тиклашга қарор қилишган.

МАҚСАД – ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Давлат раҳбарининг тегишли қарорлари асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Фикримизни далиллар билан асослантирадиган бўлсак, хусусан, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида сектор бўйича 65 нафар фуқарога 1 миллиард 311 миллион сўм кредит ажратилган. Бу маблағлар чорвачилик, иссиқхона қуриш, паррандачилик, тикув машинаси харид қилиш мақсадларига йўналтирилди. Яна бир муҳим дастурлардан бири бўлган "Ёшлар — келажагимиз" дастури бўйича эса 4 нафар ташаббускорларга 162,9 миллион сўм кредит ажратилди ва бу билан 85 та янги иш ўрни яратилиши имконияти яратилди.

Сектор ҳудудидаги "Марказий" маҳалласи ўтган йили "Обод қишлоқ" дастурига киритилган эди. Бу ҳудудда 457 та уй-жой таъмирланди, 4 километр узунликда ичимлик суви қувурлари ётқизилди, 1,3 километр узунликда газ қувурлари жорий таъмирланди, 4,3 км. газ тармоқлари бўялди, 11 дона тақсимлаш пунктлари ўрнатилди, 4 км. электр тармоқлари реконструкция қили-

ниб, 1 дона янги трансформатор ўрнатилди. Шунингдек, 200 дона кўча чироқлари ўрнатилиб, 600 метр узунликдаги пидедалар йўлакларни бетонлаштирилди, 7,3 км. ички йўллар таъмирланди. Шу билан бирга, ушбу ҳудуддаги 33-сонли мактабнинг 1-ўқув биноси 530 миллион сўмлик маблағ эвазига таъмирланди.

Бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифалардан бири аҳоли бандлигини таъминлашдир. Шу мақсадда жорий йилнинг 5 ойида сектор ҳудудида олиб борилган тадбирлар натижасида 232 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир учрашувда, ҳар бир йиғилишда ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш лозимлигини таъкидламоқда. Секторда бу борада ҳам ижобий қадамлар ташланди. Жумладан, "New city production" МЧЖ томонидан умумий қиймати 1,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, пишган гишт иш-лаб чиқаришни ташкил этиш

лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг эвазига 85 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, яна 2 та МЧЖ томонидан 6 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, "BROX MAKINA" МЧЖ 5 миллион АҚШ доллар ва "Popular Science Biotechnology" МЧЖ билан 1 миллион АҚШ доллари миқдорда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ер танлаш масаласида музокаралар олиб борилмоқда.

Дастур доирасида 1 млрд. 311 млн. сўм кредит ажратилди.

Булардан ташқари, тадбиркорлик субъектлари билан олиб борилган ишлар ва амалий ёрдам натижасида ишнинг тўхтатган 38 та тадбиркорлик субъектнинг фаолияти тикланди.

Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва фош этиш бўйича ишлар қатъий ташкил этилиб, асосий эътибор жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан аниқ манзил профилактика ишлар олиб боришга қаратилди. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида сектор ҳудудида содир

этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоизга камайишига эришилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш олдимиздаги асосий вазифадир. Мазкур йўналишда олиб борилган тадбирлар натижасида жорий йил 1 январь ҳолатига мавжуд кам таъминланган 57 та оиладан 33 тасининг ижтимоий аҳоли яхшиланди. Хусусан, кам таъминланган оилаларга 4,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб, 15 тасининг оила аъзолари иш билан

Ғанишер АБДУСАЛАМОВ,
Юқоричирчиқ туман
прокурори

фар болаларни қамраб олиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус юзасидан ҳам секторда бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, сектор ҳудудидаги Саксонота маҳалласида 300 ўринли томоша залига эга Маданият маркази 650 миллион сўм маблағ ҳисобига тўлиқ таъмирланиб, жиҳозланди. Шунингдек, ушбу маҳаллада тадбиркорлар томонидан замонавий футбол майдони барпо этилди.

Сектор ҳудудидаги мобил алоқа қамрови бўлмаган Марказий маҳалласида "Ўзмобайл" мобил алоқа операторининг база станциялари ўрнатилди. Янгибод маҳалласида эса кутубхона ташкил қилинди. Шунингдек, сектор ҳудудидаги Маърифат маҳалласида жойлашган Алишер Навоий марказий майдонида "Ўзбек миллий энциклопедияси" ярмаркаси ташкил этилди. Бундан ташқари, ишлаш истагини билдирган 83 нафар аёллар рўйхати шакллантирилиб, 76 нафарининг бандлиги таъминланди.

JARAYON

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ЮРТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш устидан вилоят прокуратураси органлари доимий назорат ўрнатгани бежиз эмас. Чунки бу ҳужжат ёшларни тадбиркорликнинг турли йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишда, улар ўртасида бандлик муаммосини ҳал этишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Шуниси диққатка сазоворки, вилоятда тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида турли соҳаларда лойиҳалар ишлаб чиқиш тақдим этаётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда. "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармасининг туман ва шаҳар филиалларида 2019 йил 10 май ҳолатида 2018 йил учун ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган ёшларнинг 161 нафарига 19 миллиард 349 миллион сўм миқдорда маблағлар ажратилиб, ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 310 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоятда ҳудудий комиссиялар то-



Бахтиёр ИСОҚОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

сўм кредит маблағлари ажратилди. Лойиҳани амалга ошириш орқали 8 та иш ўрни яратилиши белгиланган. Шунингдек, "Мақсуд омад келажаги" хусусий корхонаси раҳбари М.Маҳкамов "Ипак йўли" АИТБ Навоий филиалидан чорвачилик учун 500 миллион сўм кредит олиб, 10 та иш ўрни яратадиган бўлди.

"Хўжайи тоҳон" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Ташов эса йилкичилик фаолиятини ташкил қилиш истагини билдирди ва бунинг учун унга ТИФ "Миллий банк" Зарафшон шаҳар филиали томонидан 150 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиб берилди.

Шунингдек, Навоий шаҳар ҳудудида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-маркази ҳам фаолият юритаёпти. Марказда ҳар ҳафтада ёшларни тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш мақсадида фойдаланиб тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, бугунги кунга қадар марказда жами 625 нафар ёшлар билан 16 мартаба бизнес билан шуғулланиш кўникмаларини шакллантиришга бағишланган амалий тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, уйма-уй юриш орқали мониторингда аниқланган ёшлар муаммолари қандай ҳал этилгани ўрганиб чиқилмоқда. Жорий йилнинг бугунги ҳолатига жами 10 240 та муаммодан 5956 таси ҳал этилганлиги маълум бўлди. Бугунги кунда қолган муаммоларни ҳам бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

монидан 2019 йил учун манзилли рўйхатни шакллантиришда лойиҳаларнинг аниқ ҳисоб-китоблари асосланганлиги, иқтисодий самарадорлиги, амалга ошириш имкониятлари ва етарлича шароитлар мавжудлиги, имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг мол-мулк гарови, суғурта ташкилотлари кафолатлари, учинчи шахс кафиллиги билан таъминланганлиги, лойиҳа эгасининг тўлиқ тушунчага эга эканлиги ва уни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва бошқа муҳим жиҳатлар атрофича ўрганилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича жами 16 та лойиҳага 4

миллиард 119 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Ҳудудлар кесимида тахлил қилинганда Навоий шаҳрида 5 та лойиҳага 1 миллиард 221 миллион сўм, Навбахор туманида 2 та лойиҳага 1 миллиард 300 миллион сўм, Нурота туманида 1 та лойиҳага 350 миллион сўм, Зарафшон шаҳрида 1 та лойиҳага 150 миллион сўм, Хатирчи туманида 6 та лойиҳага 860 миллион сўм ва Томди туманида 2 та лойиҳага 238 миллион сўм кредит ажратилди. Мисол учун, "Grand med ifora" МЧЖ раҳбари З.Хусеновага диагностика маркази фаолиятини ташкил қилиш учун АТ "Халқ банки" Навбахор тумани филиали томонидан 800 миллион



Содир этиладиган маиший турдаги жиноятларнинг аксарияти маънавий қашшоқликка бориб тақалади. Афсуски, меҳр-оқибат ўрнида урчиган молпарастлик, мол-дунё талашш ота-бола, ака-ука, опа-сингилларни юзқўрмас қилиб юбораётган бўлса, эр-хотин ўртасидаги мулк талашшлар баъзан аянчли яқун топмоқда. Гумроҳлик, молпарастлик, пулга сажда қилиш илллати оилаларнинг дарэ кетиши, қўйди-чиқдилардан ташқари билвосита оғир жиноятларни келтириб чиқармоқда.

МУЛК ТАЛАШГАН ЎГАЙ ОНА ҚИСМАТИ

Алишер БОБОХҲАЕВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бағдод туманида Холдорали Собитов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уч марта уйланган. Биринчи хотинидан бир ўғил, иккинчисидан бир қиз фарзандли бўлган. Учинчи марта 2009 йили турмушидан ажрашган Зиёдахонга шайрий никоҳ ўқитиб, уйланганида тўнғич ўғли Гиёсбек ўн олти ёшда эди. Ўғай она дастлаб бегоналигини билдирмаётгандай туюлди. Кичкина синглисининг бошини силаётгандай, меҳр кўрсатаётгандай бўлди.

Гиёсбек болалигидан рўзгор юмушлари билан банд, мол-холга қарар, шу боис ўқша иштиёки ҳам, вақти ҳам йўқ эди. Отасининг: "Энди катта бўлиб қолдинг, ҳадемай уйланасан, битта уй-жой қурмасак бўлмайди", деганида унинг сўзини икки қилмай 2011 йили хорижга ишлагани жўнади. Икки-уч йилда бир марта уйга келиб кетди. Хорижда ишлаб, юбориб турган пуллари ўғай онанинг ҳамёнига келиб тушарди. 2016 йили ўғай онаси Зиёдахоннинг хоҳиш-иродаси билан отаси Холдорали ФХДЭ бўлимида ўзаро никоҳини расмийлаштирди.

2017 йили Гиёсбек хориждан қайтгач, ўғай онасидаги пуллари сўраб олиб, ота ховлисидаги янги уйни қуриб битказди. Сапураҳонга уйланди. Ўғил фарзанд кўрди. Қассобхонада ишлаб рўзгор тебратарди. Бироқ уйининг тинчи бузилди. Ўғай она билан келин ўртасида гиди-бидилар газаклаб, уриш-жанжал авж олаверди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, фаллари Гиёсбекни, келин ва Зиёдахонни бир неча бор яраштиришди.

Жанжаллардан бирида Холдорали ётоқхонасидан ўғли Гиёсбек хориждан жўнатган, сўраганида Зиёдахон бермасдан яшириб қўйган пуллари топиб олди. "Мол аччиги, жон аччиги" деганларидай, алдамчи хотинини ҳайдаб солди.

Отасиникига кетган Зиёдахон ховли-уйдаги ҳаққини талаб қилиб, фуқаролик судига ариза берди. Холдоралининг аризани қайтариб олишни, қайтадан бирга яшашни сўраб қилган илтижоларини, МФЙ раиси ва фаолларининг яраштиришга уринишларини назар-писанд қилмади. Гиёсбек ўғай онаси ховлидаги эски уйни ажратиб олишига рози бўлди. Бироқ "ишта-ҳаси очилган" Зиёдахон виждонсизларча Гиёсбек ўзга юртларда ишлаб, минг машаққат билан топган пулга қурган, оиласи билан яшаётган янги уйга даъво қилди. Фуқаролик суди аёлнинг даъвосини қаноатлантирди. У уйга киритиб қўйилди.

Куз фасли, октябрь ойининг ўрталари, кечки пайт соат бешларда Холдорали Зиёдахонни кўндиргандай бўлди, қайтадан шайрий никоҳ ўқитиш учун масжиддан имомни олиб келишга чиқиб кетди. Ёлғиз қолганларида Зиёдахон Гиёсбекдан янги уйни бўшатиб қўйишни талаб қилди. "Отанга қўшиб кўчага чиқариб қўяман, уйни сотиб кетаман", дея чўғга мой сепди. Даргазаб Гиёсбек: "Ҳали уйимни тортиб оладиган сенми", деб тўрва халтасидаги, қассобхонада ишлатадиган пичоқни чангаллаб ўғай онанинг дуч келган жойига санчаверди. Кейин ҳушини йиғиб, амакисига телефон қилди. Амакисига етиб келиб уни ИИБга бошлаб борди.

Қилмишига қисман иқрор бўлган, уй можароси туфайли ўғай онани шафқатсизларча ўлдирган 27 яшар Ф.Собитов 17 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Фаргона шаҳар марказида Жанубий Кореянинг «Chang construction group» компаниясининг «Model house» меҳмонхоналарни сотиш ва реклама қилиш биносини қуриш ишлари бошланди.

ГИЛАМГА ЎРАЛГАН МУРДА

Аслида дунёга ҳеч ким ароққўр, жиноятчи бўлиб келмайди. Фақат оиладаги муҳит ёки бошга тушган савдоларга бардош беролмай, иродасизлик қилган шахс қинғир йўлдан ё спиртли ичимликдан таскин топишга уринади.

Шавкат УЗАКОВ,

Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Нормат Аминов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ёши анчага бориб қолган. У тўғри йўлдан оғишмай ибратли умр кечирганда ҳозир бир ҳовли набиралар қуршовида пиру бадавлат бўлиб ўтирган бўлар эди. Аммо ҳозир бундай эмас. Оиласи, бир нафар фарзанди аллақачонлар ундан юз ўтирган. У биринчи марта судланганда 9 йил, кейинги сафар 5 йил озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўтаб бўлгач, турли жойларда ишлаб юрди. Айни пайтда қишлоқдоши Муроднинг фермер хўжалигида оғзаки келишув асосида қоровул бўлиб ишлаб келади. Бундан олдин чўпонлик қилди. Бир кишининг қўйларини боқиб юрарди. Тоғу тошларда юришдан безор бўлди, бераётган ойлигини кам деб, чўпонликини ташлади. Муроддан иш сўраганида, омади юришди.

Норматда бола-чақа қайғуси йўқ. Топганига ароқ олиб

ичади. Ягона дарди томоқ хўллаш, қорин тўйдириш.

Бир куни Нормат спиртли ичимлик ичган, маст ҳолатда эди. Фермер хўжалиги ерларини бир айланиб келиб жойига ётди.

Кўшни фермер хўжалигида Мамадиёр қоровул. У аслида бошқа вилоятдан келган. Оиласи, фарзандларини ташлаб, шу ерларда ишлаб юрарди. Бундан аввал бозорда юк таширди. Кейин бу ерга ишга келди. Унинг ҳам дарду дунёси ароқ. Қунда, кун ора маст юради.

Ўша куни Мамадиёр ҳам сархуш эди. Ярим тун бўлишига қарамай, Норматни ишлаб келди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган, валдираб қолган Мамадиёр ахлоқсиз ҳаракатлар қила бошлади. Норматнинг ҳахли чикди. Ўртада ҳақоратлар бошланди. Мурсоаю мадора, тилга келганини ичга ютиш кабилар бу кимсалар учун ёт. Тезда мушт-

лар ишга тушди.

Нормат билан Мамадиёр ёқалашди, муштлашди, бир-бирини аямади. Мушт зарбидан йиқилиб тушган Нормат шу ерда ётган кичикроқ ёғочлардан биттасини олди. Бор кучи билан Мамадиёрнинг дуч келган жойига ураверди. У кўчага қараб қочди. Нормат ҳам ортидан қолмади, оёғига тегиб йикитди. Ёғоч билан уришда давом этди. Ҳолсизланиб қолган Мамадиёрни уй олдига судраб келиб яна урди. Бу ҳам камдек ошхона тоқчасидан пичоқ олиб Мамадиёрнинг бир неча жойига санчиб олди. Сўнг оёқ-қўлини боғлаб, ўзи ухлашга кириб кетди.

Тонгда туриб Мамадиёрдан хабар олди. Унинг танаси музлаб бўлган. Қилмишини яширишга киришди. Жасадни гиламга ўраб, ҳожатхонанинг орқасига қўйди, усти шох-шабларга ташлаб яширди.

Аммо унинг бу қилмиши шу куннинг ўзида ошкор бўлди.

Суд ҳукми билан Нормат 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

ҲОМИЛАДОР АЁЛ НАЙРАНГИ

Бу дунёда одамларни бир-бири билан боғлаб турувчи ишонч деган муқаддас туйғу бор. Ўзаро ишонч туфайли яхши-ёмон кунларда инсон инсонга дўст ва ҳамдард бўлади. Бироқ ишонган ўша одам фирибгар бўлса-чи? Жавоб оддий, одамнинг қўйни пуч ёнгоққа тўлади. Ирода Азимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ишончга кирди ва бир фирманинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдириб кетди. Оқибатда эса...

И.Азимова Яққасарой туманида фаолият юритаётган сайёҳлик фирмаларидан бирида норасмий агент бўлиб ишларди. У турли мамлакатларга саёҳат қилишни мақсад қилган фуқароларни топиб, "турфирма"га олиб келар ва икки томондан ўзининг хизмат ҳақини олиб, тирикчилигини қиларди.

Бора-бора аёл фирма ходимларининг ишончига қузур бўлиб, гоҳ-гоҳида, яъни ўзига пул зарур бўлган ҳолатларда фирмага миҳоз олиб келар, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириб, жўнатиб юборар, улар томонидан тўланган пуллари ўз эҳтиёжларига ишлатиб, кейинчалик пул топганида фирманинг газнасига кириб қиларди. Унга фирма ходимлари ишонч билдиргани учун баъзан Ироданинг бундай ишига ружсат бериб туришарди. Аммо бир куни И.Азимова бу ишончдан фойдаланиб, текин даромадли

Зубайдахон МУРОТОВА,

Яққасарой туман прокурорининг ёрданчиси лавозимида иш ўрганувчи


бўлишни мақсад қилади.

Ўтган йилнинг август ойида Ирода фуқаролар А.Юсупов, С.Раҳматуллаев, А.Файзибоев ва Ф.Бердиевларни Хитой давлатига жўнатиш учун уларнинг номига мазкур "турфирма"дан баҳоси 18 миллион 79 минг сўмлик авиабилетлар расмийлаштиради. Бу фуқаролардан "Тошкент-Урумчи-Тошкент" йўналиши бўйича расмийлаштирилган 4 та авиабилетнинг пуллари олган И.Азимова уларни фирманинг газнасига кириб қилмасдан, фирма ходими Ж.Раҳимовга юзланади ва пул зарур бўлиб қолгани, эртаси куни пуллари тўлаб қўйишни айтади. Бу сафар Жавоҳир унинг гапларига ишониб, чув тушганини, орадан бир неча ой ўтиб ҳам пуллар газнага тўланмагандан кейин англади. У мазкур ҳолат бўйича тегишли жойга ариза билан муурожаат қилишга мажбур бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг мажлисида Ирода Азимова айбига тўлиқ иқрор бўлди ва қилган ишидан пушаймон эканини билдириб, моддий зарарини келгусида қоплаб беришини айтди. Ҳомиладорлиги сабабли енгиллик беришларини сўради.

Суд Ирода Азимовага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан бир йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, ҳукм ўқиди.





FAOLIYATIDAN

Фарзандларимиз баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари, ҳаётда ўз ўрниларини топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилапти.

Президентимизнинг қарор ва фармонлари болалар ҳуқуқини таъминлаш, оилаларни мустақамлаш борасида дастурамал бўлиб ҳизмат қилмоқда. Турмуш шароитларини

янада яхшилаш, нотинч оилалардаги носоғлом муҳитни бартараф этиш, ажралишларнинг, вояга етмаган фарзандлар тирик етим бўлиб қолишининг олдини олиш, ажрашган оилаларни яраштиришда муқаддас динимиз, анъаналаримиз, миллий менталитетимизга таянган ҳолда диний идора вакиллари, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ишла олиб боришмоқда. Масжид имомлари ва маҳаллалар оқсоқоллари ҳамда фаоллари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Ажрашган оилаларни яраштиришга ҳаракат қилинапти.

Алимент тўлови билан боғлиқ 1274 та ижро ҳужжати бўйича иш юритилган. 1718 нафар бола ота меҳру эътиборидан бебаҳра қолаётгани ачинарли ҳол. Муқаддас Рамазон ойи арафасида "Май ойи – вояга етмаган фарзандлар таъминоти борасида самарадорликни ошириш ойи", деб

эълон қилинди. Жойлардаги тадбирларда фарзандларнинг келгуси тақдирига бефарқ қарамасликка алоҳида ургу берилмоқда.

Туман бош имом хатиби, ИИБ ходимлари, МФЙ раис-

таъсирини кўрсатапти. Хусусан, Қўқорлик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суднинг буйруғига асосан юритилган ижро иши давомида қарздор А.Е. ундирувчи Д.П.га икки нафар вояга етмаган

Хатамжон ШОМИРЗАЕВ,
МИБ Бувайда туман бўлими бошлигининг ўринбосари

ижро иши юритуви тамомланди.

Фарзандларини моддий таъминлашдан қасддан бўйин товланган икки нафар қарздорга эса маъмурий суд қарори билан 15 сутка қамоқ жазоси тайинланди.

Оилалар дарз кетишидан, аввало, болалар жабр кўради. Алимент пулларига моддий эҳтиёжлари қондирилади. Бироқ ота-она меҳри ўрнини ҳеч нима тўлдиролмайди. Ҳамкорликдаги тадбирларда ажралишларнинг олдини олиш, оила ришталарини мустақамлаш, қонунларимиз, муқаддас ислом динимизда ўз аксини топган ота-оналик мажбуриятларига амал қилган ҳолда болалар таъминоти ва тарбияси-га масъулият билан ёндошишга эътибор қаратилмоқда.

Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё туман бўлими томонидан ўтказилган назорат тадбирида "Дўстлик" МФЙда жойлашган "Азиз Мароканд курилиш" масъулияти чекланган жамиятида электр энергиясидан фойдаланиш ахволи текширилди.

Қурувчимиз ё "свет"дан урувчи?

Полат РОЗИМОВ,
МИБ Сирдарё туман бўлими суриштирувчиси

Жамият иш бошқарувчиси А.Шариев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) туман электр тармоқлари корхонаси билан жорий йил учун электр таъминоти шартномаси тузмаганлиги аниқланди. Шунингдек, жамиятга қарашли трансформатор ичига ўрнатилган ҳисоблагичдан ташқари, ўзбошимчалик билан ўлчов приборининг уланиш схемаси ўзгартирилган. Ўрнатилган 3 донга электр тармоғига уланган симлар узиб қўйилиб, ҳисоблагич сунъий равишда тўхтатилган ҳолда электр энергиясидан фойдаланиб келинган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан туман электр тармоқлари корхонасининг якуний қайта ҳисоб-китоб ҳулосасига кўра, МЧЖ томонидан жами 37445,2 киловатт соат электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилиб, давлат манфаатларига 12 394 361,2 сўм миқдорига моддий зарар етказилган. А.Шариев томонидан туман электр тармоқлари корхонаси манфаатларига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланиши таъминланди.

А.Шариевга нисбатан тўплаган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун Сирдарё туман маъмурий судига юборилди. Суд томонидан унга нисбатан жарима жазоси қўлланилди ва у тўлиқ ундирилди.

Сирдарё туман электр таъминоти корхонаси муҳандиси вазифасида ишловчи Б.А. хизмат мавқеидан ўзи учун фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Туманнинг "Адолат" маҳалласида яшовчи Ш.Х.нинг унга муражжат қилиши қўл келди. Ш.Х.нинг хонадонидан истеъмол қилинган электр энергиясидан 1 миллион 888 минг сўм қарздорлик мавжуд эди. Қарздорлик бартараф этилмаганлиги учун Бюронинг туман бўлими томонидан хонадон тармоқдан узилган бўлса-да, "ҳожатбарор" Ш.Х.нинг қарзини "қонуний йўллар" билан ёпиб беришни ваъда қилди. Бунинг эвазига фуқародан фирибгарлик йўли билан 1 миллион 200 минг сўм олиб, бу пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан Сирдарё туман прокуратураси томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.



Ижро ҳужжатлари бўйича 167 млн. сўмдан зиёд алимент пуллари ундириб берилди.

лари билан ҳамкорликда фарзандлари таъминоти учун алимент олувчилар рўйхатидаги 36 та оила яраштирилди. Оққўрғон ҳамда Найман МФЙларида яраштирилган оилаларга эсдалик совагалари топширилди. Шунингдек, қолдиқдаги ижро ҳужжатлари бўйича 167 миллион сўмдан зиёд алимент пуллари ундириб берилди.

Ижро ишини юритиш давомида панд-насихатлар муайян

фарзанднинг таъминоти учун 18 ёшга тўлгунларига қадар 126 миллион сўм алимент тўлаши лозим эди. Қарздор қонун талаблари билан таништирилган, Давлат нотариал идорасининг шу йил 31 майдаги "Алиментни натурал шаклда тўлаш тўғрисидаги келишув"га асосан туманнинг Кум қишлоғидаги қарздорга тегишли ҳовли уй фарзандлари номига расмийлаштирилиб, алимент ундириш ҳақидаги

Самарали ҳал қилиш йўли

Санжар ИМОМОВ,
МИБ Навоий вилоят бошқармаси катта инспектори

Дунёнинг илғор мамлакатлари суд-ҳуқуқ тизимида медиация кенг қўлланилаётган институтлардан бири саналади. Жаҳон ва мамлакатимиз бозорининг кундан-кунга ривожланиб, янги турдаги хизматлар, товарлар ва муносабатларнинг пайдо бўлиб бориши бизда ҳам медиация институтини такомиллаштиришни куннинг долзарб мавзусига айлантирди.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг 1 январь кунидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг "Медиация" тўғрисидаги Қонуни кучга кирди.

Медиация жараёни ва медиатор тушунчаларига оқоридаги Қонуннинг ўзидо батафсил таъриф берилган:

Медиация – (лотинча "медиум" – воситачи) келиб чиққан низонни тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий ролини асосида медиатор кўмағида ҳал қилиш усули;

Медиатор – медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс.

Ривожланган давлатларда медиаторликни ўзининг асосий фаолиятига айлантирган ташкилотлар ҳам фаолият юритади. Қонунга кўра, медиаторлар 2 тоифага, профессионал ва непрофессионал тоифага бўлинади. Профессиял воситачилар Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги махсус курсларини ўтаган шахслар бўлиб, улар келгусида пулли хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Медиация суддан ташқари тартибда, баҳс-мунозарани суд тартибидан кўриб чиқиш жараёнида, суднинг қарор чиқариш учун зарфи тарз этишидан олдин ва ҳатто суд қарори ижроси жараёнида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жумладан, мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш

самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди ҳамда мазкур қарорга асосан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ундирувчининг аризаси бўйича ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланиши белгиланди.

Мазкур жараённинг 30 кунлик муддатда амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, медиатив келишувга эришилганда, даъво аризасини судга кўриб чиқиш учун тўланган давлат божлари қайтариб берилади.

Медиация институтини бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Корея Республикаси ва Ҳиндистонда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур жараённинг афзаллик жиҳатлари сифатида тарафларнинг исталган вақтда, исталган жойда музокара олиб бориш имкониятига эга эканлигини ҳамда суд жараёни овозгарчиликлардан ҳоли бўлишини кўрсатиб ўтиш мумкин.



Автоулов хатланди

Бюронинг Бектемир туман бўлими иш юритувида бўлган ижро ҳужжатида асосан қарздор Р.С.дан ундирувчи Э.У. фойдасига алимент белгиланган.

Аммо қарздор Р.С. қонун талабларига бўйсунмасдан, яъни 34 ойдан буён фарзандининг моддий таъминоти учун 13 миллион сўмдан ортик алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келган.

Бюронинг Бектемир туман

бўлими томонидан қарздор Р.С.га тегишли бўлган қидирувдаги "Nexta Dons" русумли автотранспорт воситаси Яқкасарой туманидан топилди. Ушбу автотранспорт воситаси ундирилмай қолган алимент пулларини тўлиқ қоплаш мақсадида хатланди.

Шунингдек, Бюронинг туман бўлими томонидан ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлаш баробарида оилаларни яраштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг ижро варақасига асосан қарздор Қ.Фозиловдан унди-

Даврон НОРМАТОВ,
МИБ Бектемир туман бўлими катта инспектори

рувчи Ш.Фозиловнинг фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, олиб борилган тарғибот-тушунтириш ишлари натижасида оила яраштирилган. Бугунги кунда улар бирга яшашмоқда.

Ана шундай тарғибот тадбирлари натижасида 10 та оиланинг қайта тикланишига эришилди, фарзандлар ота-оналари бағрида яйраб улғайишларига замин яратилди.

Қашқадарёда картошка уруғликларини кўпайтиришга ихтисослашган лаборатория ташкил этилади.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Прокуратура органлари тизимида 29 йилдан ортиқроқ хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб хиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Наримондjon Умаров табаррук 75 ёшни қарши олмоқда.



Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб хиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Рсатай Абдуллаева табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Наманган вилояти Янгиқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Чортоқ туманлараро прокурори, Мингбулоқ ва Поп туманлари прокурори, Учқўрғон туманлараро прокурори ёрдамчиси, Косонсий туманлараро прокурори, вилоят прокуратурасида катта терговчи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга

масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида хурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Унинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлангирлиди.

Хурматли Наримондjon Ҳайдарович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

У прокуратура органлари тизимидаги 21 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатларни туфайли барчанинг хурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Бугун сафимизга кириб келаёт-

ган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Рсатай Абдуллаеванинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлангирлиди.

Хурматли Рсатай Абдуллаева, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



Тотализатор ва келишилган ўйинларда иштирок этаётган шахсларни аниқлади



Ўзбекистон футбол ассоциацияси қошида ташкил этилган махсус инспекция тотализатор ва келишилган ўйинларда иштирок этаётган шахсларга нисбатан кескин курашиб келмоқда. Ана шундай чоратadbирлар натижасида тотализатор ва келишилган ўйинларда иштирок этаётган шахслар аниқланди.

Сатторов жавобгар бўлишни футболчиларга расман маълум қилган (Шерзод Сатторов ЎзПФЛ рўйхатидан "Иттифоқ-Бухоро" футбол клуби бош мураббийи сифатида ўтган). "Зарангари" футболчилари Ф.Тоировдан хозирги кунгача бўлган молиявий ҳисоб-китобни қилишни талаб қилишган. Мана шу масалада муаммо келиб чиққан.

Кейинроқ Ш.Сатторов барча масалани ўзи ҳал қилишни, керак бўлса трансфер ойнаси очилмаёқ янги футболчиларни жамоага олиб келишга қудрати етиши ҳақида айтган. Ойликдан ташқари пул ишлаш ниятида бўлган футболчилар унинг кўрсатмаси билан тотализаторда иштирок этишлари кераклигини уқтирмоқчи бўлган.

ЎФА махсус инспекцияси Фуркат Тоиров ҳамда Шерзод Сатторовларнинг футболчилар билан суҳбатлари ёзилган аудиоёзувни тўлиқ қўлга киритди. Маълум бўлдики, Ш.Сатторов ҳамда Ф.Тоиров режасига унамаган футболчиларни ЎзПФЛ орқали гумонлангирлиб, улардан халос бўлишни истаган. Раҳбарлардан фарқи ўлароқ, футболчилар алоҳида-алоҳида суҳбатдан ўтказилганда, уларнинг фикрлари асосли бўлиб қиди, жамоа аъзолари фактлар асосида кўрсатма бердилар.

Юқоридагилардан келиб

чиқиб, ЎФА Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) кўмитаси қарор қабул қилди. Унга кўра "Иттифоқ-Бухоро" жамоаси бош мураббийи Шерзод Сатторовнинг қилмишлари кечириб бўлмас, деб ҳисобланди ва у бир умрга футболга алоқадор барча фаолиятдан четлаштирилди. Ш.Сатторовни Бухоро вилоятидаги мактаблардан бирида жисмоний тарбиядан ҳам дарс бериши ҳақида айтиб ўтилди. Ёш авлодни унинг каби кишилар бошқармаслиги керак деб ҳисобланиб, ЎФА кўмита қарорини мазкур мактабга ҳам тақдим этади. Шунингдек, аудиоёзувларга кўра, Ш.Сатторов ЎФА ҳамда ЎзПФЛнинг айрим ходимларини ҳақорат қилган, уларга жиддий тўхматлар ёғдирган.

ЎФА Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) кўмитаси "Зарангари" футбол клуби раҳбари Фуркат Тоировни 1 йилга футболдан четлаштирди ва 20 миллион сўм жарима жазоси қўлади. Кейинги текширувлар жараёнида унинг ҳам келишилган ўйинларга алоқадорлиги факти топилса, жазо ўзгартирилиди.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси футбол соҳасида фаолият юритаётган барча инсонларни оғохлангирлади: мураббий, футболчи, мутахассис — ким бўлишидан қатъи назар, келишилган ўйинларга алоқадорлиги аниқланса, белгиланган тартибда қатъий жазога торгилди.

Португалия – Миллатлар лигасининг биринчи чемпиони!

Дам олиш кунлари УЕФА томонидан ташкил этилган Миллатлар лигасининг совриндорлари аниқланди. Учтинчи ўрин учун майдонга чиққан Англия ва Швейцария терма жамоалари ўртасидаги ўйинда голиб номи пенальтилар сериясида аниқланган бўлса, финалда макомига мос равишда биргина гол учрашув тақдирини ҳал қилди.

Порту шаҳридаги "Драгау" ўйингоҳида Португалия ҳамда Голландия терма жамоалари куч синашган ушбу мусобақа финалида голиблик мезбон мамлакат футболчиларига насиб этди. Криштиану Роналду бошчилигидаги Европа чемпионлари учрашув давомида рақибдан ҳар жабҳада устун эканликларини намойиш этди. Учрашувдаги ягона гол 60-дақиқада 22 ёшли "Валенсия" ярим ҳимоячиси Гонсалес Гедеш ҳисобига ёзилди.

Роналду учун ушбу соврин фаолиятидаги йигирма тўққизинчиси бўлди. 34 ёшли футболчи "Спортинг" клуби битта битта, "МЮ" сафида 9 та, "Реал" жамоаси билан 15 та, амалдаги клуби "Ювентус" билан 2 та титулни қўлга киритган. Португалия терма жамоаси сафида эса у ЕВРО-2016 ҳамда Миллатлар лигасида галаба қозонди.

Маълумот ўрнида, 3-ўрин учун бўлган баҳсда Англия ҳамда Швейцария терма жамоалари куч синашиб, яқунда "шерлар" галабани тантана қилди. Таъкидлаш жоизки, Гарет Саутгейт шогирдлари пенальтилар баҳсида 6-5 ҳисобида галаба қозонишди. Асосий вақтда эса жамоалар дарвозалари дахлсизлиги сақланиб қолган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

«Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган ҳақорат аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда «Мароқанд нефт базаси» МЧЖнинг 2019 йил 11 июндаги 01-01/330-сонли буортманомасига асосан «Мароқанд нефт базаси» МЧЖ Булунгур филиалида сақланаётган, 2006 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 414 JAA, техник носоз бўлган «Нексия Донс» русумли авто-

транспорт воситаси — 5 943 628 сўм бошланғич баҳода очик аукцион савдосига қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2019 йил 15 июль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу машинани 15 июль кунин сотилмаган тақдирда, **такрорий савдолар 22 июль ва 29 июль кунлари соат**

11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичи бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо фолибига 10 иш кунин ичида сотувчи билан олдиротди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар машина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой фи-

лиалидаги 20208000804942465001 (МФО:00262, ИНН:302129857) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (0366) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Хизматлар лицензияланган